42 (476)
2005 йил 19 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Дашнобод анорлари нега қуримоқда?
▶ Иброҳим ота ибрати

3
▶ Кредит уюшмаси: халқчил ва содда шакл
▶ "Сохтакор" нафақахўрлар...

4
▶ Калитлари тиллодан бўлган дарвозалар
▶ "Катта ҳовли" тарихи...

Навоий вилояти

Обуна — 2006

"Mahalla" — ФАОЛИЯТДА КЎМАКДОШ...

Юртимизда ўз-ўзини бошқаришга асосланган маҳалла тизими фаолияти давомида йўл-йўриқ, амалий тавсиялар кўрсата оладиган ишончли маслакдошсиз, янгиликлардан бохабар қилиб турувчи ҳамкорсиз иш юритиш қийин кечади. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси нашри бўлган "Mahalla" газетаси бугун ана шу масъулиятли ишни баҳолиқудрат бажармоқда.

Газета саҳифаларида бериб борилаётган турли мавзудаги қизиқарли ва таҳлилий мақолалар, маҳалла тизими фаолиятига оид янгиликлар ўз навбатида бизнинг туманимиздаги фуқаролар йиғинлари ишини мувофиқлаштириш, йўналтириш ва фаолиятини тўғри ташкил этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатишга хизмат қилаяпти. Қолаверса, маҳаллаларнинг ўзаро тажриба алмашиши, бу соҳада эришилган муваффақиятлар ўрганилиб, амалиётга кенг татбиқ қилиниши талаб этилади. Демак, бу ўринда ҳам фуқаролар йиғинлари ходимларининг энг яқин ҳамкори — "Mahalla"нинг хизматини эътироф этиш жоиз. Бироқ, таассуфки, бугун юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларига газета етиб бормайди. Тўғри, обуна маблағсиз амалга ошмайди. Шукрки, маҳаллаларимизда тадбиркор ва саховатпеша инсонлар кўп. Кўпгина хайрли ишларга ҳомийлик қилаётган бундай инсонлар наҳотки маҳалла аҳлининг маънавий ва сиёсий камолоти, фуқаролар йиғини фаолиятининг тараққиёти йўлида хизмат қилувчи ишни — обунани ташкил этишга кўмаклаша олмасалар?! Обуна деганда маблағни баҳона қиладиган айрим фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳеч бўлмаганда ана шундай ҳомийлик ёрдамидан фойдаланиб, ўз фоалияти ривожи учун замин ҳозирлаши мумкин-ку.

Мана, айни кунларда 2006 йил учун "Mahalla"га обуна давом этмоқда. Ҳозирда биз ҳам туманимизда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари учун 3 нусхадан, бўлинмамиз учун 10 нусха ушбу газетага обуна ташкил қилиш борасида амалий ишлар олиб бораяпмиз. Келгуси йилда Учқудуқ туманида "Mahalla"сиз маҳалла ходимлари бўлмайди.

Т.БОБОЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Учқудуқ тумани бўлинмаси раиси.

— Яна нима дейди?
— "Mahalla"га обуна бўлиш керак, — дейди.

Чақирув — 2005

Тошкент шаҳри

ШУНҚОРЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНЛАНМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ёшларни армияга чақиришга доир ишлар қизғин паллага кирган. Ҳамза тумани Мудофаа ишлари бўлимида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

Айтиш жоизки жойлардаги Мудофаа ишлари бўлимлари ҳарбий хизматга шайланган йигитлар учун саралов кўприги вазифасини ўтайди. Негаки, бу ерда ўз йигитлик бурчини ўташ иштиёқида бўлган ўғлонларимиз илк бор жиддий кўрикдан ўтадилар. Жисмоний ва маънавий имкониятларини синаб кўрадилар.

— Чақирув жараёнида йигитларимизни ҳар томонлама ўрганиб чиқяпмиз, — дейди туман Мудофаа ишлари бўлимининг чақирув бўлинмаси бошлиғи, капитан Эштўхтар Бўриев. — Аввало, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари билан биргаликда уларнинг оилавий аҳволи, яшаш шароитлари аниқланади. Сўнгра танлов комиссиясининг кўмаги билан ўғлонларни саралаб оламиз.

Мудофаа ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" ҳамда "Нуроний" жамғармалари туман бўлинмаси, Халқ таълими бўлими, Маданият ва спорт ишлари бўлимлари вакилларидан иборат танлов комиссияси, шунингдек, тиббий ва психологик кўриклар чақирилувчиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятини, ҳарбий хизматга яроқлилигини пухта ва холис текширадилар. Имтиҳон тарзида ўтадиган ушбу кўрикда йигитлар имкониятлари балл тизими асосида баҳоланади.

Ҳарбий хизматга чақирув, хизматни ўтаб қайтган йигитларни кутиб олиш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни фуқаролар орасида кенг тарғибот қилиш борасида маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг хизмати катта бўлмоқда. Жумладан, тумандаги Махмур, Нодира, А.Назаров, Ҳамза, С.Раҳимов, Бешбола, Муқимий, Умид, А.Навоий, И.Юнусов, Б.Салимов номли фуқаролар йиғинлари ушбу ташкилий ишларда анча фаол.

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервига қабул қилинадилар. Шу боис, мудофаа ишлари бўлимида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда сафарбарлик чақирув резервига олинувчиларнинг ижтимоий турмуши атрофлича ўрганилмоқда. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг алоҳида рўйхати тузилган. Улар мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан тумандаги турли ишлаб чиқариш муассасаларига, корхоналарга меҳнат шартномаси асосида ишга жойлаштирилаяпти. Натижада сафарбарлик чақирув резервига олиниши учун тўланиши лозим бўлган бадал пули ўша корхоналар ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан қопланаяпти. Бу эса ўз навбатида сафарбарлик чақирув резервига чақирилувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли бир ишдир. Эътиборли томони, кейинги йилларда ҳарбий хизматни ўташга иштиёқманд ёшлар сони сезиларли даражада ошди. Бу юртимиз ўғлонлари қалбида она ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари яна юксалганидан далолат. Қолаверса, бу ўринда Ҳукуматимиз томонидан мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган қулайликлар ҳам ўғлонларимизнинг ўз йигитлик бурчини ўташга қизиқишини оширмоқда.

Маълумки, юртда тинчлик ва барқарор ҳаёт ҳукм суриши асосан шу мамлакатнинг мудофаа қудрати билан бевосита боғлиқ. Шу маънода бугун мустақил Ўзбекистонда замонавий, ихчам ва профессионал миллий армияни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Унинг сафини эса мамлакатимизнинг жасур, довюрак ва ватанпарвар ўғлонлари бойитаётганидан фахрланамиз.

Дилмурод СОДИҚОВ
Суратни Р.ГАЛИЕВ олган.

Муносабат

Андижон вилояти

ЮРТ ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙДИ!

12-13 май кунлари Андижондаги террорчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар жиноятчилар устидан суд жараёни давом этаётган бир пайтда таҳририятимизга етиб келаётган ушбу шахсларнинг қилмишлари юзасидан муносабат билдирилган кўплаб мактубларнинг кети узилмаяпти. Ушбу муносабатларни ёзаётган юртдошларимизнинг асосий ўтинчи ҳам, талаби ҳам шундай: "Ватанини оёқости қилишга уринган, бегуноҳ инсонлар қонини тўккан ёвуз мақсадли кимсалар энг олий жазога лойиқ". Андижон вилояти Улуғнор тумани ёшлари номидан ёзилган қуйидаги мактубда ҳам ана шу мазмундаги фикрлар битилган:

"...Бизнинг ичимиздан чиқиб, шу мўқаддас диёрнинг тузини еб, ривожига тўғаноқ бўлиш, унинг собитқадамлигини кўра олмасдан кимларнингдир берган чақасига учиб тузлиғимизга тупуришга уринганларга нафақат биз, балки биздан кейинги авлодлар ҳам ўз лаънатларини ўқишлари табиий. Уларни манқуртлар, башарасини дин билан яширишга уринган мосуволар, Ватан ҳиссидан мутлақо йироқ кафангадолар деб ҳисоблаймиз.

Кимки "Мен шу улуғ миллат вакилиман, бугун тирик эканман, шу юртнинг гуллаб-яшнаши менинг интилишимга, виждонимнинг келажак олдидаги масъуллига боғлиқ" демаса ва шу юртда фаровонликни орзу қилиб фаолият кўрсатмаса, нодонларга хайриҳоҳ бўлиб қолавериши табиий.

Юртимизни кимдир четдан келиб обод қилиб бермайди. Бу ерга келувчилар ёки маблағ киритувчиларнинг ўзига яраша муддао ва манфаатлари борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугун биз ёшларнинг барчага айтадиган гапимиз бир: "Бизнинг ўз йўлимиз, ўз олий мақсадимиз бор, биз ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмаймиз, мустабидлик ҳеч қачон рўшнолик келтирмаган, биз дўстона чўзилган қўлни бағримизга босамиз, ўзгалар юртига кўз олайтириш ниятимиз йўқ, биз ҳамкорликни ва ҳалоллиқни ёқтирамиз".

Айни пайтда террорчилар устидан олиб борилаётган суд жараёни адолат ва ҳақиқатнинг тантанаси муқаррар эканлигини рўй-рост кўрсатиб турибди.

Биз ёшлар Ўзбекистонимизнинг ривожи ва равнақи, тинч ва осойишталиги учун билимимиз ва ғайратимизни аямасликка, она Ватан учун керак бўлса жонфидолик қилишга, ота-боболар руҳини шод қилиш учун ҳар қандай тўсиқларни енгишга, олган билим ва малакамизни тинчлик ва барқарорлик учун сарфлашга қасамёд қиламиз.

Биз Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!.."

ТАҲРИРИЯТДАН:

Таҳририятга келган мазкур муносабат хатига 1200 дан ортиқ улуғнорлик ёшлар исмишарифи ва имзоси қўйилган.

Ҳа, мамлакатимизнинг эртанги кунига ишонч билдириб, Ватанни севиб-ардоқлаган ҳар бир юртдошимиз борки, бугун Андижондаги хунрезликларни содир этганларга чексиз нафратини, аёвсиз муносабатини ошкор қилмоқда. Юқоридаги мақолада битилган сўзлар ҳам нафақат Андижон халқи, балки бутун ўзбекистонликлар қалбидаги сўзлардир...

Бонг

ТожАЗ: ОФАТ ГИРДОБИДАГИ „ЎЙИН"

Ўғирлик чоғида қўлга тушган Афанди ҳақида қизиқ бир латифа бор. Кўпчилигимиз биламиз. Шундай бўлса-да, эслатиб ўтсак: Афанди қўшнининг боғига ўғирликка кирибди. Дарахтга чиқиб, сархил меваларни узиб, қўйни-қўнжини тўлдира бошлабди. Буни пайқаб қолган қўшниси дарахт ёнига келиб, тепага қараб, Афандига танбеҳ берибди:

— Ҳайф сизга, Афанди! Бировнинг боғига ўғирликка киришга уялмайсизми?

Шунда Афанди бамайлихотир, қўшнисига кўзини лўқ қилиб:

— Нега бўлмаса хотинингга ковуш олиб бермайсан?.. — дерниш.

Куни кеча Интернет орқали узатилган „ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" номли мақола ҳамда РусАЛ компанияси раҳбарларидан бири билан бўлган интервью айнан юқоридаги латифани ёдга солади.

Тожикистон алюминий заводининг атроф-муҳит, айниқса, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, экологик аҳвол тобора ёмонлашаётгани ҳақида берилган саволга РусАЛ корчалонларидан бири шундай дейди:

— Роғун ГЭСи қурилишида 10 000 нафар аҳоли жалб этилади. Кичик бизнес ҳам ривожланади. Дарвоқе, бир йил олдин бу ерда уяли телефон ишламас эди. Эндиликда нафақат Душанбе, балки дунёнинг исталган нуқтаси билан алоқа қилишингиз мумкин, — дейди у.

Қаранг, мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди, деган мақолни эсга солади бу пойинтар-сойинтар жавоб. Шу ўринда ўқувчига изоҳ берсак; Роғун ГЭС қурилиши Тожикистон алюминий заводининг қўшимча қувват билан ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга объект. Агар у ишга тушса, завод яна 100 000 тонна алюминий ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. Заводнинг қудрати ортади. Атроф-муҳитга етказадиган зарари ҳам ўз-ўзидан кўпаяди.

Худди шу мазмундаги саволга "ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" мақоласи муаллифи эса бундай дейди:

— Европада ҳам алюминий ишлаб чиқарадиган катта-катта заводлар бор. Ҳайронман, нега улар ҳақида бунчалик ваҳима қилишмайди... Бизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирларга ТожАЗ томонидан маблағ ажратилмоқда. Масалан, 2002 йилда 2,4 миллион сомони (сомони — Тожикистон пул бирлиги — Қ.Н), 2003 йилда эса 1,8 миллион, 2004 йилга келиб 4,2 миллион ва бу йил 7 миллион сомони ажратилди.

Қизиқ, бу маблағ нимага, кимга, нима мақсадда иштилди, маълумот берилмайди. Бироқ, завод қувуридан чиқаётган заҳар эса йилдан-йилга кўпаймоқда. Унинг заҳри чор атрофни пажмурда қилиб, қирон келтираяпти. Кишининг кулгусини қистайдиган томони шундаки, муаллиф келтирган маблағ завод чиқиндиларини зарарсизлантириш учун урвоғ ҳам бўлмайди. Гап заводни кенгайтириш ёки Хатлон вилоятида яна битта оғу маскани қуриш учун харжланажак миллиардлаб доллар борасида кетаяпти-ю, аллақандай кўнгилхушликлар учун сарфланажак суммани пеш қилиб ўтиришса? Бу билан ўзгаларни боплаб лақиллатаяпман, ўзгалар менинг гапимга ишонишмоқда, деб ўйлашса керак. Умуман олганда, "Азия-плюс" ва "Народная газета" нашрларида чоп этилган "ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" мақоласини ўқиб, ё тавба, шундай ўта бачкана ва асоссиз мисол ҳамда фактларни кенг жамоатчиликка қандай қилиб уялмасдан ҳавола этишдийкин, деган ўйга борасиз.

Давоми 2-саҳифада

Фарғона вилояти

Ўзбекнинг феъли

ВАЛИКЛИК НАБИЖОН

Қувасойлик тадбиркор ҳамқишлоқларига мактаб қуриб берди ва янги врачлик амбулаториясига "Дамас" совға қилди.

Валик қишлоқ фуқаролар йиғинида туғилиб ўсган Набижон Маҳмудов Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг биринчилардан бўлиб тадбиркорликка киришганди. У асосан савдо-сотиқ билан шуғулланди, пул топди. Уни ўз ўрнида ишлата билди ҳам. Шу орада етим-есирларга, қийналган оилаларга ёрдам кўрсатишни ҳам унутмади.

Набижоннинг энг катта ёрдами ҳамқишлоқлари фарзандалари учун пишиқ ғиштдан икки қаватли мактаб биноси қуриб беришдан бошланган эди. Мактаб қурилиши ва унинг иситиш-ёритиш тармоқлари учун каттагина маблағ сарфлади. Бундан бохабар бўлган Президентимиз катта йиғинлардан бирида унинг номини алоҳида тилга олиб, "Отангга минг раҳмат, азамат" деган эдилар.

Ушбу Сиҳат-саломатлик йилида қишлоқда янги врачлик амбулаторияси қурилиб ишга туширилди. Набижон унинг қурилишига ҳам озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшди. Энг муҳими, бу саломатлик масканида ишловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ўз маблағи ҳисобидан янги "Дамас" русумли машина сотиб олиб берди. Машина ҳайдовчисига маош бериб туришни ва ёқилғисини таъминлашни ўз зиммасига олди.

— Набижон Маҳмудов ҳақиқатдан ҳам ишбилармон, қўли очиқ, мурувватли инсон, — дейди Қувасой шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси раиси Тўрахўжа Мирзажонов. — У ҳар ойда ўз маҳалласидан бошқа маҳаллалардаги қийналган оилаларга ҳам озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам кўрсатиб келади.

Айни кунда мурувватпеша тадбиркор бошчилик қилаётган жамоа шаҳарда Эрон — Корея — Ўзбекистон ҳамкорлигидаги автомашиналар мойини қайта ишлайдиган қўшма корхона қурилиши ва уни жиҳозлаш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Бу корхонанинг ишга тушиши билан тадбиркорнинг имкониятлари янада кенгаяди ва ҳамшаҳарларига кўрсатаётган мурувват ёрдами салмоғи ортади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ОФАРИН, ЙИГИТЛАР!

Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларни табиий, техноген ва экологик турдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни давр талаблари даражасига кўтариш ҳамда рўй бериш эҳтимоли бўлган турли кўринишдаги офатлардан фуқароларни огоҳ этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Анъанага айланган мазкур тадбирлардан бири — вазирлик тизимидаги авария-қутқарув, қидирув-қутқарув тузилмалари ва ҳудудий "қутқарув хизмати" қутқарувчиларининг Республика мусобақаси пойтахт ҳудудида жойлашган Миллий боғда ўтказилди.

Мусобақада юқори натижалар кўрсатган "Энг ибратли йигит", "Энг яхши қутқарувчи", "Энг яхши қутқарув гуруҳи командири" аниқланди. Биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 1-даражали фахрий ёрлиқ, кўчма соврин ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Мусобақанинг биринчи тури шарти бўйича ушбу бошқарманинг қутқарувчилари Баҳодир Исоқов, Станислав Кузин, Станислав Ерешкин, Константин Рожков ва Абдураим Содиқовлар ўзларининг юксак касбий маҳоратларини намойиш этишди.

Мусобақанинг иккинчи тур синов шартларида қутқарувчилар назарий ҳамда амалий жиҳатдан синалдилар. Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган пойтахт бошқарма жамоаси қутқарувчиларининг тиббиёт соҳасида олган билимлари, амалиётда орттирган тажрибалари синовдан ўтказилди.

3-тур шарти бўйича қутқарувчилар резинали қайиқ билан сувдан ўтиб, жабрланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари, қутқарув асбоб-анжомлари, махсус жиҳозлар орқали жабрланувчини сув сатҳи юзасидан қирғоқнинг қарама-қарши томонига ўтказишлари зарур эди. Пойтахт бошқармаси жамоаси бу вазифани ҳам қисқа вақт ичида моҳирона амалга оширдилар. Мусобақа иштирокчиларини байрамона тақдирлаш маросимини кузатар эканмиз, барча қутқарувчиларга, айниқса биринчи ўринни эгаллаб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси жамоасига офарин халоскорлар, деб қоламиз.

Хуснияхон Тожибоева,
матбуот гуруҳи ходими.

Эъзоз

Навоий вилояти



Бугун юртимизда истиқомат қилаётган кекса отахон ва онахонлар ҳолидан хабардор бўлиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш борасида "Маҳалла" тизими ходимлари томонидан кўрсатилаётган хайрли ташабуслар таҳсинга сазовор.

СУРАТДА: *"Маҳалла" жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмаси раиси С.Мукумов 100 ёшни қарши олаётган Қўлдош бобо Жумаев хонадонида.*

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

РОМАНО ПРОДИ — ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРЛИГИГА НОМЗОД

Якшанба куни Италияда амалдаги ҳукуматга мухолиф бўлган «Унионе» («Иттифоқ») сўл коалицияси доирасида сайлов ўтказилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, унда 4 миллионга яқин одам иштирок этган.

Келаси йил баҳорда Италия парламентига сайлов ўтказилиши керак. Парламентда бошқаларга нисбатан кўпроқ ўринга эга бўлган ҳаракат ё партия ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлади.

«Унионе» доирасидаги сайловдан кўзланган асосий мақсад мухолифат томонидан Италия бош вазирлиги учун номзодни танлаб олишдир. Ушбу ўрин учун коалиция таркибидаги турли партиялардан 8 нафар таниқли сиёсатчи курашди. Улар орасида 75 фоиз овоз тўплаган собиқ бош вазир, Еврокомиссиянинг собиқ раиси, айни вақтда эса «Унионе» етакчиси Романо Проди ғалаба қозонди. У ўз коалициясидан ҳукумат раҳбарлиги учун ягона номзод этиб сайланди.

Кузатувчилар Р.Продининг сайловда катта устунлик билан ғалаба қозонгани бош вазир лавозимини эгаллашда унинг имкониятлари кўплигидан далолат беради, деб ҳисобламоқда. Бу фикр асоссиз эмас, албатта. Таъкидламоқ жоизки, бугунги кунда сайловчилар орасида «Унионе» тарафдорлари амалдаги ҳукумат раҳбари Сильвио Берлускони етакчилик қилаётган «Озодликлар уйи» коалициясиникига нисбатан 10 фоиз кўпдир.

«Унионе»нинг сайлови бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтказилди. Унда кутилганидан тўрт баробар кўпроқ одам иштирок этди. Бу сўл оқимнинг аҳоли орасидаги нуфузи ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлаши мумкин. Маълумотларга қараганда, Эмилия-Романья вилоятидаги участкаларда сайловчилар учун бюллетенлар етмай қолган.

С.Берлускони эса «Унионе» етакчисининг бош вазир лавозимини эгаллай олишига шубҳа билдирмоқда. Р.Проди ўз сўл коалицияси аъзолари орасидаги сайловлардагина ғолиб бўла олади, деди у.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТожАЗ: ОФАТ ГИРДОБИДАГИ „ЎЙИН"

Бонг

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Алюминий заводи келтираётган офат, аҳоли бошига солаётган азоб-уқубат, табиатимизга келтирган мислсиз талофатлар ҳақида шу кунгача кўп гапирилди. Матбуотимизда мунтазам равишда чиқишлар қилинмоқда. Мутасадди ташкилотларнинг далил ва хулосалари завод юртимизнинг жанубий сарҳадига бало-қазо қуюнини ҳайдаётганини кўрсатади. Айниқса, Сурхон воҳаси аҳлининг зор қақшаб айтган гаплари бу ердаги кишилар соғлигига ТожАЗ жиддий зиён етказаётганидан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги, экин-тикинларга, чорва молларига завод ўлат келтираётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Воҳа табиати бугун энг аянчли аҳволда. Атроф-муҳитнинг бузилиши натижасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликлар содир бўлмоқда. Ҳатто уй ҳайвонлари икки бошли ёхуд кўзи кўр, тўрт мучаси кам ҳолда туғилаётган бўлса, бу заҳар-заққум одамзот наслини четлаб ўтармикин!?

Заводнинг турган-битгани офатлигини ва бу шу пайтгача Сурхондарёда ҳаёт тарзини издан чиқара бошлаганини биргина мисол билан айтишимиз мумкин (Алюминий заводи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун воҳада болалар ўлими, турли хил касалликлар, бўқоқ, ички хасталик ҳамда бепуштлик борасида жонли рақамлар келтириб, мақоламизни семиртириш ниятимиз йўқ...) Фақат айтиш жоизки, одамлар бу фалокатнинг ичида яшаб, кўриб-билиб туришибди. **ТожАЗнинг оғу пурковчи баҳайбат қувурларидан йилига 40000 тоннагача заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Шундан 400 тоннаси эса фторли водороддир.** Фторли водороднинг нечоғли даҳшат ва бало-қазо эканлигини сурхондарёликлар яхши билишади. Баланд тоғлар орасидан — **Ҳисор водийсининг "офат йўлаги" орқали заводдан чиқаётган кимёвий моддаларнинг 80 фоизи қўшни Ўзбекистон томон ўрлайди. Кейинги 25 йил ичида 6 000 000 тоннадан зиёд алюминий хом ашёси ишлаб чиқарган заводнинг таъсирини энди кўз олдингизга келтириб кўринг.**

Агарким, Сурхон аҳли билан гаплашсангиз, уларнинг фиғони фалакка етади. Эт-этингиз жимирлаб кетади. Хасталик тўшагида ётган, бепуштлик дардига йўлиққан кишилар, ўн гулидан бир гули очилмай бўқоқ касалига чалинган ўсмирлар, ногирон туғилган қанчалаб норасидаларнинг мунгли нигоҳларига дош беролмайсиз. Қанча одам оғу гирдобида яримжон бўлиб қолган, қанча гектарлаб экинзорларимиз қовжираб, кул бўлган. Умуман, воҳанинг аянчли аҳволи ҳақидаги рақамлар ва далиллар билан муштарий оммавий ахборот воситалари орқали билиб олган ва шу боисдан бу далиллар энди ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Фақат бир гапни таъкидламоқчимиз: "Азия-плюс" газетасида чоп этилган мақолада Европадаги шундай катта заводлар ҳақида у ернинг аҳолиси нега шовқин солмаяпти, нега Ўзбекистонда бунга (ТожАЗга) қарши чиқишмоқда, деб даъво қилган кимсага айтмоқчимизки, агар Сурхон воҳаси аҳли ва юртимиз табиатига етказилган зиён-заҳматнинг ўндан бири ўша ерлик аҳоли бошига тушганда эди, у ердагиларнинг оҳи-зори дунёни ларзага солмасмиди? Умуман, Европадаги улкан алюминий заводлари ҳақида фикр юритиб, асосан сиз қайси заводларни назарда тутмоқдасиз? Улар ҳам худди ТожАЗ каби одамлар ва табиатни фалокат ўпқони ёқасига олиб бориб қўйибдими? МДҲ ҳудудидаги учинчи ўринда турадиган ТожАЗнинг айнан Тожикистон ҳудудида жойлашиб қолганлиги беҳудага эмас, бу ерда электр қувватидан фойдаланиш имкони кенглиги, арзон гаров электр манбаси яратилишига шарт-шароит мавжудлиги ҳисобга олинганлиги, тоғ йўлаги бўйлаб кўкда сузиб ўтажак оғу қоришмаси, унинг салбий таъсирига эса мутлақо эътибор қаратилмаганлигини ўзгалар билмайди, деб ўйлайсизми? Сурхон воҳасидаги оддий одамлар шундай саволлар беришмоқда: "РусАЛ нега Россиянинг ўзидаги алюминий заводларини кенгайтирмаяпти? Нега яна битта завод қурадиган бўлса, ўша ёқда қурмаяпти?.." Бу шунчаки оддий тушунчадир сиз учун. Бироқ мантиқан ўйлаб қараганда, ҳақли эътироз-ку.

Интернет орқали берилган РусАЛ раҳбарларидан бири билан бўлган суҳбатда шундай дейилади: "Дунёдаги улкан алюминий заводлар – Красноярск ва Братскдаги заводлар бугун эскирган. Улар бугун замонавий экологик андозаларга жавоб бермайди. РусАЛ уларни ҳам аста-секин модернизация қилишга киришади..." Энди шу ўринда бир савол туғилади: Хўш, ҳудудингизда таппа тайёр турган заводни кенгайтирмасдан, нега айнан Тожикистон ҳудудида қурилиш ишларини бошлаб юборишни режалаштирдингиз? Бунинг сабаби аён: биринчидан, арзон-гаров ишчи кучи, иккинчидан Тожикистондаги шарт-шароит сизнинг режангизга айнан мос келади. Қолаверса, заводни хусусийлаштириб олиш масаласида ҳам РусАЛ компаниясининг умиди борлигини биз яхши биламиз.

Ёз ойларида мазкур заводдан чиққан фторли водород чиқиндиси ҳавога 6-7 марта кўп миқдорда тарқалиши аниқланди. Бу атроф-муҳит, борлиқни мутлақо яроқсиз ҳолга келтириш дегани. Ҳеч нарсани асраб қолиш, қутқаришнинг иложи қолмайди, дегани бу. Бу ўринда ҳаяжонга берилаётганимиз йўқ. Матбуотда кўплаб мисоллар келтирилди. Айниқса, ёз тонгида Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари аҳли сув юзида сариқ қатлам – заҳар қуруми пайдо бўлиб қолаётгани, азон маҳали томоқлари ачишиб, қўл-оёғи оғирлашиб, бўғилиб уйғонишаётгани, кўпчилик мажолсизланиб, ҳолдан тояётгани ҳақида айтишганди.

Айрим корчалонлар асл ҳақиқатни қанчалар яширмасин, ўзлари қилаётган ишнинг "ижобий" томонларини мақтаб гапиришмасин, ёлғон-яшиқларни зўр бериб матбуот саҳифасига олиб чиқишмасин, барибир уларнинг ўз нафи, фойдаси йўлидаги жинояткорона хатти-ҳаракатлари ошкор бўлиб қолаверади. Октябрнинг бошларида Интернет сайти орқали Владимир Павленконинг бир мақоласи берилган эди. Муаллиф шундай ёзади: "РусАЛ ТожАЗни ўз назоратига олишга уринмоқда. Бу ердаги экологик танглик, аҳоли саломатлиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. РусАЛга хайрихоҳлар фақат бугунни ўйлаб яшашмоқда. Уларни фақат арзон ишчи кучи ва арзон электр энергияси қизиқтиради..." Албатта, бу ҳақиқатни кўпчилик эътироф этмоқда.

Энди яна юқоридаги иккита манба – интервью ҳамда "ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" мақоласига эътибор қаратсак. Интервьюда: "2012 йилга бориб завод чиқарадиган заҳарли моддалар 1,5 баробар камаяди" дейилади.

Далил: завод эса ҳар йили 1,5-2 баробар кўп миқдорда заҳарли моддалар чиқармоқда. 2000 йилдан кейин Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё, Денов туманларида фторли водород билан заҳарланиш 2 баробар ошди. Тупроқ таркиби бузилиб боряпти.

Демак, шундай бўлгач, 2012 йилга қадар заводдан чиқадиган заҳар-заққум воҳа аҳволини қай даражага келтиришини кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўйламасдан, охир-оқибатни таҳлил қилмай, заводнинг зарари пасаяди, деган жаноб тайинли фикр айтолмай, ОАВни ҳам, ўзгаларни ҳам силлиққина қилиб алдаб кўя қолмоқчи бўлади.

Интервьюда: "Алюминий саноати — Россия иқтисодиётининг динамик тараққий этиши учун муҳим аҳамиятга эга. Кейинги беш йил мобайнида Россияда 3,6 миллион тонна алюминий ишлаб чиқарилди. Шундан 2,7 миллион тоннаси РусАЛнинг зиммасига тўғри келади. Албатта, бундай ўсишда табиатни муҳофаза қилишни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак..." дейилади қуруқ оҳангда.

Албатта, сиз бойиясиз. Сиз фалон миллион тонна "Қанотли металл" ишлаб чиқариш қурбига эгасиз. Шу боис Тожикистон ҳудудидаги заводни ҳам кенгайтирмоқчисиз... Яна битта завод бунёд этмоқчисиз. Бироқ, интервью давомида эса заводлар фаолияти натижасида атрофдаги тириклик олами қирилиб бораётгани сизни безовта қилмайди. Бутун бошли интервьюда РусАЛнинг мутасаддиси атроф-муҳит муҳофазаси бобида жўяли фикр айтмайди, тайинли таклифни ўртага ташламайди.

Энди пойинтар-сойинтарликда мазкур интервьюдан қолишмайдиган "ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" мақоласидаги айрим далил ва даъво-дастакларга кўз югуртирсак. Мақола "Азия-плюс" газетасида шу йилнинг 13 октябр куни эълон қилинган. Муаллиф – Салим Маҳкамбоев. Имзо соҳиби Тожикистон алюминий заводининг бош директори маслаҳатчиси лавозимида ишлайди. Мақола ТожАЗнинг қурилиш тарихи, Турсунзода шаҳрида қандай бунёд этилгани узундан-узоқ тарихий асослар билан бошланади. Муаллиф 1964 йилдан завод қурилишида раҳбарлик қилганини ҳам айтиб ўтади. Теварак-атрофни мазкур завод ифлослантираётгани борасидаги хавотир 1982 йилдаёқ кўтарилганини С.Маҳкамбоев тан олади. Демак, айримлар аюҳаннос солаётгани каби бу муаммо кеча ёки бугун, РусАЛнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгани йўқ. Шу нарсани тан олишаётгани ҳам яхши. Шунисига ҳам шукр.

Кейинги хатбошини ўқиб, ўзингизни қўярга жой тополмайсиз. Ёлғонни ямламай ютган "муаллиф"нинг алаҳсирашидан карахт бўлиб қоласиз. (Муаллиф сўзини нега қўштирноққа олганимизни кейин билиб оласиз). Хуллас, мақолада шундай жумлаларни ўқийсиз: "ТожАЗдан чиқаётган зарарли моддалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, анорзорлар ва мевазорларга жиддий зарар етказаётгани ҳақида гапирилмоқда. Бу ёлғон... Ўша пайтда менинг ташаббусим билан қўшма комиссия тузилганди. Текшириш натижасида маълум бўлдики, боғу роғлар сувсизликдан қуриган, сувни эса пахтазорларга буришган. Маҳаллий шароитда пахта кўп экилгани боис, бошқа экинларга сув етмай қолган. Дашнабод ва Узун анорзорларида шахсан мен ўзим кўчатлар тагини 1,5 метр қазиб амин бўлдимки, анорзорларга ва бошқа дарахтларга сув етиб бормаган. Мен буни ўзбек раҳбариятига ўша вақтларда исботлаб бердим. ТожАЗдан чиқаётган заҳарли моддалар эса меваси данакли дарахтлар — ўрик, шафтоли, гилос ва ҳоказоларга зиён етказади. Бу турдаги дарахтлар эса шу ҳудудда ўсмайди..."

Бу изоҳга нима дейсиз? Фаросатсизлик, ёлғон ҳам эви билан-да. Бу гапга ким ишонади? Нима бало, ўз муддаоси, мақсадини жозибадор кўрсатиш учун шунчалар аҳмоқликка йўл қўйиш, оғзига келган гапни вайсаш мумкинмикин? Ўзини-ўзи шарманда қилмоқдан бошқа чорасини тополмаган жаноб "муаллиф" нечоғлик кулгига қолганлигини сезмаяптимикин?

Бутун дунё билади-ку, алюминий ишлаб чиқариш асосида атроф зарарланишини. Қум зарраси билан ҳақиқат тоғини уриб қулатаман, деган "муаллиф"нинг савияси ачинарли эканлигидан унга раҳми ҳам келади, кишининг. Шундай алжираш, куракда турмайдиган мисолни чоп этишдан уялмаган "Азия-плюс" нашридаги ходимларнинг аҳволи-руҳиятини ҳам тушунолмадик. Шу ўринда бу алжирашга монанд далилга "Туркистон-пресс" томонидан тарқатилган ушбу хабар орқали жавоб бермоқчимиз:

Шу йилнинг 19-20 сентябр кунлари республикамизнинг бир гуруҳ олимлари, мутахассислари, жамоатчилик вакиллари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари Тожикистон алюминий заводининг минтақага кўрсатаётган зарарли таъсирини излаб топиш, ўрганиш, муаммоларни ечиш юзасидан давра суҳбати ўтказмоқ учун Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида бўлишди.

Дастлаб, гуруҳ аъзолари Сариосиё туманида бўлиб, боғбонлар, деҳқонлар, шифокорлар ва умуман аҳоли вакиллари билан учрашиб, қишлоқ хўжалиги, чорвачиликнинг бугунги аҳволи билан танишдилар. Жойлардаги вазият билан бевосита яқиндан танишиш, аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш шуни яна бир карра исботлади-ки, Тожикистон алюминий заводи мўриларидан кўтарилаётган заҳарли фторли водород ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Тумандаги "Дашнобод" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган "Тошпўлат Давлатов" фермер хўжалигида бўлган делегация аъзолари қўшни мамлакат ҳудудидаги заводнинг нақадар кучли зиён етказаётганлигини ўз кўзлари билан кўриб, қулоқлари билан эшитдилар. Фермер хўжалиги раҳбари Тошпўлат Давлатов шундай дейди:

— 1987 йилда 27 гектар майдонда узумзор ташкил этган эдим. Аввалига гектаридан 10-12 тоннадан ҳосил ола бошладим. Кейинги йилларда эса ҳосилдорлик гектар бошига атиги 100-150 килограммга тўғри келаётир. Олдинги йилларда токларда касалликлар ҳам йўқ эди. Ҳозир эса барглари ва мевалари қуриб қоляпти. Қўшни Қозоғистонда бўлганимда боғбонларнинг ишлари билан танишдим. У ердаги токларнинг барглари ям-яшил, узуми эса чиримаган, шунингдек, ҳосил ҳам мўл. Кўриб турганингиздек, биздаги токларнинг баргида дона-дона хол пайдо бўлган. Мен боғимдаги бу иллатларнинг сабабини асосан алюминий заводидан деб биламан.

Делегация аъзолари шу хўжаликда яшовчи Нормўмин Эшовнинг хонадонига ташриф буюришди. Уй эгаси ҳовлини тўлдириб анор эккан экан. Анорзор эгаси куюниб шундай дейди:

— Бир вақтлари етиштирган айрим анорларимнинг донаси 1 килою 200 грамм, гоҳида 1 килою 400 граммгача тош босарди. Айрим йиллари бир неча тонналаб ҳосил олардим ва рўзғорим обод эди. Энди эса анорларим ҳосил пишиб етилгунга қадар ўз-ўзидан тўкилиб кетмоқда. Агар билсангиз, анор осонликча бандидан узилиб кетадиган мева эмас... Бундан ташқари анорлар пишиб етилмасдан ич-ичдан қорайиб, чириб, кулга айланиб кетмоқда. Ёшим етмишга борди. Бундай ҳолатни авваллари кўрмаган эдим.

— 1970 йилда туғилганман, — дейди шу ерлик Э.Тошев, — кейинги ўн беш йил ичида неча хил касалликларга чалиниб, охир-оқибатда ногирон бўлиб қолдим. Кечасию кундузи бўғинларим, суякларим қақшаб оғрийди. Тўрт яшар фарзандимнинг бош суяк чаноғи ривожланмасдан ногирон туғилган. Агар алюминий заводи таъсир қилмаса эди, мен бундай бахтсизликларга рўбарў бўлмас эдим.

Шу хўжаликдаги Ҳовузқоқ қишлоғи врачлик пунктида бўлган гуруҳ аъзолари врач Комила Хидирова билан суҳбатлашиб, заводнинг у ёки бу касалликларга нақадар зиён етказаётганлиги, хасталикларнинг ошишига сабабчи бўлаётганлиги хусусида сўрашди. Тажрибали врач алюминий заводидан 120 километр узоқликда бўлган жойларда яшаётганларга қараганда, Ҳовузқоқ қишлоғида яшайдиганларда буқоқ, ҳар хил ўсма касалликларининг ва ҳали номаълум бўлган бошқа хасталикларнинг 3-4 марта кўп учраётганлигини таъкидлади.

Яна "Азия-плюс" газетасидаги мақолага қайтсак. Мақола муаллифи ТожАЗнинг чиқиндилари устидан ҳам "эксперимент" ўтказганини ёзади. Унинг айтишича, шамол заҳарли моддаларни Ўзбекистон томонга эмас, балки Тожикистон тарафга "қувар"миш. Муаллифнинг "эксперименти" қуйидагича: самолётдан рангли тутун ташланади. Тутун Тожикистон томон учган эмиш. Демак, завод Ўзбекистонга зиён етказмайди. Хулосани қаранг, хулосани. Худди ҳангомага ўхшайди. Рост, мақолада ана шундай далил келтирилган. Муаллиф қатъиятлик билан шундан сўнг 1984 йилга, то менинг раҳбарлик фаолиятим тугагунга қадар бу муаммо, яъни, заводнинг чиқиндилари муаммоси кўтарилмади, деб ёзади. Бу масала фақат кейин М.Ф.Синни директор бўлгандан сўнг кўтарилиб қолди, дейди у.

Мақоладаги бундай лақиллашга қўл силкиб қўявериш мумкин. Бироқ телба-тескариликнинг ҳам аянчли кўринишлари намоён бўлади-ки, бунга жим қараб туролмайсиз. Муаллиф бу ҳардамхаёллиги етмагандек юртимиздаги бир қатор заводларнинг Тожикистон табиатига зиён келтираётгани ҳақида ҳам ёзади ва ўзича турли хил рақамларни келтира бошлайди. Ваҳоланки, бу заводлар деярли Иккинчи жаҳон уруши йиллари қурилган. Ҳеч ким, ҳеч бир куч уларни кенгайтириб, оғу пуркайдиган масканга айлантираётгани ҳам йўқ. Қолаверса, Бекобод металлургия заводи ҳам, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳам алюминий заводи эмас, улардан ҳалокатли даражадаги фторли водород гази ўрламайди. Ётиб қолгунча отиб қол, деган халқнинг киноясли гапини эсга солади, бу гаплар.

Хуллас, ТожАЗ баҳонасида кимларнингдир буюртмасини бажариб, рағбатига кўз тиккан кимсалар виждону диёнатни пулга сотиб, ўз ҳомийлари тегирмонига сув қуйишаркан, ўзларини аянчли аҳволга қўйиб, шармандаи шармисор бўлаётганини ҳис қилишармикан? Ким билади дейсиз, ҳиссиёт ҳам жиғилдондан ўтиб кетгач, инсон шу аҳволга тушиб қолармикин?

Алюминий савдоси устамонларининг ўйинчоғига айланган бундай кимсалар ва айрим нашрлар ўз ёлғон далиллари билан ўзларини фош қилишмоқда, холос.

Юқоридаги тутуруқсиз, "ТожАЗ ҳақидаги ҳақиқат ва ёлғон" мақоласи ҳақида Интернетда яна бир ғалати хабар тарқалди. Душанбеда чоп этиладиган "Авеста" газетаси мухбири З.Тожибоева билан бўлган суҳбатда ТожАЗ Бош директори маслаҳатчиси Салим Маҳкамбоев бу мақолани мен ёзмаганман, бу мақоладан мен мутлақо бехабарман, деб айтди. Интервью давомида С.Маҳкамбоев ҳеч қандай мақола ёзмаганини қайта-қайта таъкидлайди. Ундай бўлса бу мақолани ёзиб, сизнинг исми-шарифингизни қўйиш керак бўлиб қолди, деган саволга у: "Бу борада махсус хизмат муассасалари ва ташкилотлари шуғулланиб, масалага ойдинлик киритади..." деди.

Мана сизга яна бир ғайришуурий ҳол. Сўлқмондай мақолага ўзганинг исми-шарифини қўйиб, чоп эттириш кимга зарур бўлиб қолди? Бундай ёлғонлар замирида нима ётибди? Алюминий заводи туфайли келаётган аянчли аҳволни, Ўзбекистонга етаётган зарарни хаспўшлаш учун баъзи бир кимсалар ва алюминфурушлар матбуотнинг оқ саҳифасини булғаётганларидан нима наф?

Бу саволларга жавоб бериш осон. Халқимиз билиб турибди: нима бўлса ҳам ТожАЗнинг кўргуликларини хаспўшлаш учун кампаниябозлик бошланганга ўхшайди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Муносиб тақдирланганлар: "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби

БУНЁДКОР БОБО

Иброҳим Норов — чинакам бунёдкор инсон. Негаки, у кишининг хайрли ишлари нафақат кечаги ва бугунги кунга, балки келажакка ҳам дахлдор.

Отахоннинг ҳаёт йўли ниҳоятда ибратли. Йигитлик даврини Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида синовдан ўтказган И.Норов кейинги ҳаёти давомида бутун куч-ғайратини юртдошлари ҳаётини фаровон этишга сарфлади. У турли раҳбарлик лавозимларида — Кармана ҳамда Қизилтепа тумани партия комитети биринчи котиби, туман ижроқўми раиси, халқ таълими бўлими мудири, турли хўжаликлар раиси ҳамда Бухоро вилоятининг Ромитан, Жондор туманларида ҳам юқори лавозимларда самарали меҳнат қилган И.Норов ўз даврида қатор йирик спорт ва маданий иншоотлар қурилишига бошчилик қилди. Хусусан, 1957 йилда Бухоро шаҳридаги ёшлар истироҳат кўли, 1963-1967 йилларда Ромитан, Жондор ҳамда Кармана туманларида 15 минг ўринга мўлжалланган спорт ўйингоҳлари бунёд этилишида унинг хизмати катта бўлди.

Дарвоқе, Иброҳим Норовнинг асл мутахассислиги — қишлоқ хўжалиги ходими. Республикамизда ном таратган кекса ва тажрибали боғбонлардан бири. Унинг Бухоро ва Навоий вилоятларида ташкил этган боғзорлари минглаб гектарлик майдонни эгаллайди. Масалан, ўтган асрнинг 60-70-йилларида Ромитан туманида 210 гектар, Жондор туманида 800 гектар, Кармана туманида 300 гектардан зиёд боғзор ва токзорларнинг ташкил этилишига асос солган Иброҳим ота ўша даврдаёқ боғдорчилик соҳасида ўз мактабини яратган эди.

— Менинг бу соҳадаги илк устозим отам Норбобо Шодмонов эди, — деб ҳикоя қилади отахон. — Кейинчалик нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда боғдорчилик илмининг билимдони сифатида шуҳрат қозонган олим, академик Ризамат отадан боғдорчилик илмининг сир-асрорини чуқур ўргандим. Ўрганганларим ўз навбатида Навоий ва Бухоро вилоятларида йирик боғ ва узумзорлар ташкил этилишига асос бўлди.

И.Норов мана йигирма йилга яқиндирки, қарилик нафақасида. Бироқ отахон бўш ўтиришни ёқтирмайди. "Бировга нафим тегмаган кунда ўзимни кераксиздек ҳис қиламан", дейди у.

Ҳа, отахоннинг кейинги ҳаёт йўли ҳам муваффақиятларга тўла. У юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг вилоят Фахрийлар кенгаши раиси сифатида фаолият олиб борар экан, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятини кўп маротаба намоён этди. Хусусан, 1993 йилда Сурхондарё вилоятидан 20 минг дона тез ўсувчи "Калифорния тераги" қаламчаларини келтириб, Навоий заминида экишни ва ўстиришни йўлга қўйди. Айни пайтда келиб минглаб гектарларда ўстирилаётган ушбу тераклар сони 20 млн. донадан ошиб кетди. Шу билан бирга 1995 йилда Иброҳим ота яна бир хайрли ташаббус билан чиқди. "Йўлларимизни обод қилайлик!" шиори остида ташкилот, корхоналар меҳнат жамоаларига, фуқароларга мурожаат эълон қилди. Одамларни эзгу ишга даъват этувчи ушбу мурожаатни вилоят ҳокими маъқуллади, аҳоли қўллаб-қувватлади. Натижада вилоятдаги йўллар обод бўлмоқда, ҳудуд чегарасидан ўтган Буюк Ипак Йўли тармоғи қайта тикланмоқда. Бинобарин, Кармана туманидаги машҳур Қосимшайх зиёратгоҳининг ташкил этилишига ҳам И.Норов ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзи истиқомат қилаётган Кармана туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, бу ерда яшовчи аҳоли турмуши фаровонлигига эришиш йўлида катта ташаббуслар кўрсатиб келмоқда.

И.Норов бугун саксон ёшга яқинлашиб қолди. У ҳали тетик ва ғайратли. Энг асосийси, ҳамон фаолиятда. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши аъзоси ҳамда Кармана тумани коммунал хўжалиги бўлимида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи сифатида самарали меҳнат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида И.Норов юксак мукофот билан тақдирланди. Президентимиз Фармони асосида "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби бўлди. Бу ҳам фидоий отахоннинг муносиб хизматларига берилган юксак эътирофдир.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

Спорт

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ИККИ МЕДАЛИ

Қозоғистонда эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз иккита олтин медални қўлга киритди.

Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этган Александр Шарашинидзе ва Қуролбек Аширов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЎзА

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.

И.КАРИМОВ

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ: ТАМОЙИЛЛАР ВА АМАЛИЁТ

Ҳар қандай яхши ва ёмон кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, керак бўлса, моддий, молиявий, маънавий ёрдам кўрсатиб, ҳамжиҳатликда турмуш қийинчиликларини енгиб, мушкул вазиятларда бир-бирларига яқин кўмакдош, ишончли ҳимоячи бўлиш каби хислатни дунёда ўзбеклардагидек ўзига одат қилиб олганлар кам бўлса керак. Бу ҳолатни миллий қадриятларимиздан, масалан, ҳашар ўтказишда, тўй-ҳашамларда, уй-жой қурилишларида, гап-гаштакларда ва шу каби инсон ҳаёти учун зарур бўлган бошқа тадбирларни ўтказишда кўриш мумкин.

Демак, маиший ҳаёт синовларини кўпчилик бўлиб енгишга ўрганган одамлар тажрибасидан маълум мантиқий кетма-кетлик, ўзига хос қоидалар шакллана боради. Орттирилган тажриба асосида онги ва тафаккури ривожлана борган сари одамлар ўзларининг манфаат ва қизиқишларини жамиятда кечаётган жараёнлардан келиб чиқиб ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида, мавжуд қонун ва қоидалар асосида турли хил ташкилотларга бирлашадилар ёки уни ташкиллаштирадилар.

Аслида, ҳар қандай қоида ва қонунлар одамларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, жамиятда содир бўлган ва бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда ўзига хос бир у ёки бу воқеликни маълум бир изчил йўналишга солувчи тартиблар, низомлар, керак бўлса умуммамлакат миқёсидаги қонун ва қоидалар яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонунини ҳам, айнан, ҳаёт тақозосидан келиб чиқиб яратилган ва амалиётга жорий қилинган, десак айни ҳақиқат бўлса керак. Чунки бунинг асосида шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги вақтинча ортиқча пул маблағларини бир жойга тўплаш ва ундан бошқа муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш, керак бўлса ўзларининг ҳам ҳаётий зарур бўлиб қолган эҳтиёжларини қондиришга асос яратилади.

Бундай муносабатлар ихтиёрий, ўзаро келишув асосида, жамоавий ўзини ўзи бошқариш тамойилларидан, шунингдек, бозор муносабатлари тамойилларидан келиб чиқиб ўрнатилади.

Агар кредит уюшмалари тарихига назар солсак, аслида улар илк маротаба, кредит кооперативини ташкил этиш концепцияси асосида, расман 1850 йилда Германияда аҳолининг кам таъминланган қатламларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тегирмончи ва новвойларнинг кооператив кредит жамиятини тузишдан бошланган экан.

Қонунга биноан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти кредит уюшмаси, деб эътироф этилади. Уюшманинг Низом жамғармасига ўрнатилган маълум миқдордаги кўрсаткичдан кам бўлмаган, ўзининг маълум миқдордаги ҳиссасини (пай бадалини) киритган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар унинг аъзолари ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кредит уюшмасининг ҳар бир аъзоси, Низом жамғармасидаги улуши миқдоридан қатъий назар, уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш пайтида бир овоз ҳуқуқига эга бўлади.

Яна бир томони, кредит уюшмаси фақат ўз аъзоларигагина хизмат кўрсатади ва улар уюшма тақдим этадиган барча хизматлардан бир хил фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, кредит уюшмалари ўз аъзоларига уларнинг бўш маблағларини депозитга қўйиш, кредит бериш, маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга тўлақонли шароит яратади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кунда умуммамлакат миқёсида 21 та кредит уюшмалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 6 таси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига, 3 таси Бухоро, 2 тадан Андижон, Фарғона, Намаган, Самарқанд ҳамда биттадан Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида бундай уюшмалар ҳозирча ташкил этилмаган.

Кредит уюшмаларини ташкил қилишда Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси мавжуд қонун асосида, жойларда жуда кўп ташвиқот, тарғибот ва амалий ишларни олиб бордилар ва ижобий натижаларга эришдилар. Шунинг учун ҳам бўлса керак, 21 та кредит уюшмасидан 7 тасига айнан вилоят Ишбилармон аёллар уюшмалари раислари раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

Агар 2003 йилдаги аъзолар сони 12 та юридик ва 2908 та жисмоний шахсларни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 473 юридик шахс ва 22799 жисмоний шахсларни ташкил этади. Фақатгина 2005 йилнинг I ярим йиллиги давомида 2004 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан кредит уюшмалари аъзолари сони 2,5 марта ошиб, умумий сони 23270 га етган. Бундай ўсишни кредит уюшмаларига нисбатан аҳоли томонидан бўлаётган катта ишонч самараси деб билмоқ керак.

Кредит уюшмаларининг республика бўйича умумий активлари (айланма маблағи) 2005 йилнинг I ярмига келиб 5,7 млд. сўмни ташкил қилиб, унинг ярмидан кўпини учта вилоят — Самарқанд (21 %), Андижон (16%), Навоий (14%) вилоятларидаги кредит уюшмаларининг активлари ташкил қилади.

Кредит уюшмалари нафақат ўз аъзоларининг манфаати ва қизиқишларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, балки ўз тизимида ҳамда бераётган кредитлари орқали аъзолари томонидан аниқ иш ўринлари ташкил қилишга ҳам кўмаклашиб келмоқдалар. Бугунги кунда мазкур тизимда 250, аъзолари орқали эса 3000 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

"Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганига эндигина уч ярим йил бўлганига қарамасдан, кредит уюшмаларининг ва улар аъзоларининг сонини бетўхтов ўсиб бораётганлиги фуқароларнинг мазкур нодавлат ташкилотига бўлган ишонч ва умидларининг юксаклигини, уларнинг осон бўлган давлат тасарруфидаги объект сифатида эмас, балки бевосита омма билан ишлайдиган, халқчил ва содда шакл ва услуб билан фаолият кўрсатаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кредит уюшмаларидан инсон учун керакли ва фойдали бўлган фуқаролик жамияти институти қаторини янада кўпайтиришга кўмаклашиш, уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, қолаверса, илғор тажрибаларини оммалаштириш, шунингдек, уюшмалар фаолиятини такомиллаштириш учун турли хил тадбирлар ташкил қилиш мақсадида Республика Кредит уюшмалари ассоциацияси тузилди ва у расман 2005 йил 6 июндан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

Демак, кредит уюшмалари юртимизда тобора ривожланиб бораётган ижтимоий институтлар – нодавлат ташкилотлар қаторидан муносиб ўрин олаётганлигини кўриш мумкин.

Шу ўринда ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат ташкилотлардан ҳисобланадиган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" (ФЎЎБО) ёки "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари" (УМШ) нинг фаолият йўналишлари "Кредит уюшмалари" фаолият йўналиши билан таққосланса, учала ташкилот ҳам бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали эркин ва мустақил иш юритиш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи, аниқ мақсадга эга бўлган нодавлат ташкилотлар эканликларини кўрамиз.

Кредит уюшмалари ҳамда улар ассоциациясининг нодавлат ташкилотлар, хусусан, ФЎЎБО лари, УМШ лари, "Маҳалла" жамғармаси ва УМШ лари ассоциациялари билан ҳамкорлиги уларнинг фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлиб қолишларида катта аҳамият касб этади. Бу борада ҳамкорлик ва уйғунликни таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор омиллар борки, уларни алоҳида ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Кредит уюшмалари давлатимиз юритаётган молия-кредит сиёсатини, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда асосий воситачи ва ҳамкорлардан бири бўлиб бормоқдалар.

Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси раисининг
биринчи ўринбосари.

Олам турфа

СОЧ ҲАМ ЯНГИЛАНИБ ТУРАДИ

Фанда кўп нарса исботланган ва аниқланган. Шунингдек, вошда қанча соч вўлиши ҳам. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, вошимизда 125 минга яқин соч толаси вўлиб, умримиз давомида 1,5 миллиони тушиб, қайтадан ниқади. Бошнинг вир квадрат сантиметр жойида 346 тадан 460 донагача соч вўлади. Шундан 308-426 таси узун ва ўрта, 28-34 таси тук ҳолда вўлади.

Битта соч 50 кундан 150 кунгача яшайди. Бироқ аёлларники бир неча йил умр кўради. Аёлларнинг сочи эркакларникига қараганда анча тез ўсади, айниқса, 15 дан 30 ёшгача бўлган даврда. Ёш ўтган сари соч ўсиши секинлашиб боради, шунингдек, сочнинг йўғонлиги ингичкалашади, пишиқлиги йўқолади ва сийраклашади.

50-60 ёшга борганда аёлларда ҳам, эркакларда ҳам соч ўсиши сезиларли даражада секинлашади. Агар организм соғлом бўлса, тепа сочлар кунига 0,3-0,4 миллиметрга(бошнинг қолган қисмларида секинроқ) ўсади. Бир кунда 40-60 та соч тушиши нормал ҳол ҳисобланади. Бу тушган сочларнинг ўрнига янгиси ўсиб чиқади.

НОГИРОНЛАР "ТУРИБ ЮРИШИ" МУМКИН

Швециянинг "Роллей" фирмасида ногиронлар учун янги аравача ихтиро этилди. Ногирон унда нафақат ўтиради, балки тикка турган ҳолда ҳам кетиши мумкин. Чунки аравача ва унинг ўриндиғи шунга мослашган. Ўриндиқни соҳиб хоҳлаган баландликка келтира олади. Фақат электрон мурватларини босса бас. Ўзи автоматик тарзда керакли шаклга келади.

Иш билганга минг танга...

Самарқанд вилояти

Каттақўрғон туманидаги Сўфи Оллоёр номли маҳаллада қандолат тайёрлаш, металлни қайта ишлаб чиқариш каби йўналишларда ўндан ортиқ кичик корхоналар фаолият юритади. Яқинда уларнинг сафига яна битта, Назира Нормуродова раҳбарлигидаги кичик паррандачилик фермаси ҳам қўшилди. Бу ерда айни пайтда ўн бир нафар маҳалла ёшлари меҳнат қилмоқдалар.

ГОЛЛАНДИЯ ПАРРАНДАЛАРИ — ТАДБИРКОР ПАРВАРИШИДА

— Назира опанинг асли касби шифокор, — дейди маҳалла оқсоқоли Собир ака Аҳмедов. — Опа маҳаллада уюштириладиган турли тадбирларга бош-қош. Маҳалладошлари бу тадбиркор ва ташаббускор аёлнинг маслаҳатларига ва ёрдамига таянишади. Паррандачилик фермасини ташкил қилиш истаги ҳам аслида ана шу ишбилармонлик самараси. Яқинда у бир гуруҳ маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, шу турдаги фаолиятни йўлга қўйиш ниятида эканлигини маълум қилди. Биз опахоннинг ташаббусини қўллаб-қувватладик. Тез орада паррандачилик фермаси илк маҳсулотларини бера бошлади. Бу эса ўз навбатида маҳалламиз ва туманимиз аҳлининг парранда гўшти ва тухумига бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Фермамизни кредит маблағи ҳисобидан ташкил қилдик, — дейди Назира Нормуродова. — Дастлаб Голландиядан келтирилган 300 дона зотдор "Бролер" товуқларини парвариш қилиш билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирда бу паррандалар сони етти юзтага етди. Паррандалар кўпайгани сари ферма ҳудуди торлик қилиб қолаяпти. Шу боис яна ўн сотих ер олиб корхона ҳудудини кенгайтирмоқчимиз.

Ҳа, Назира опа рўзғор юмушлари, набиралар тарбиясидан ортиб тадбиркорлик юкини ҳам елкасига олган. Маҳалла аҳли опахонни наинки тадбиркор сифатида, балки етимесирларнинг бошини силайдиган, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатадиган саховатпеша инсон сифатида ҳам қадрлашади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири

СУРАТДА: *Сўфи Оллоёр номли маҳалла оқсоқоли Собир Аҳмедов тадбиркор аёл Назира Нормуродова билан паррандалар парвариши хусусида суҳбатлашмоқда.*

Нафақа ўз эгасига тегяптими?

Қашқадарё вилояти

ҲАР БИР СЎМНИНГ ЎРНИ БОР

унга кўз олайтириш жиноятга етаклайди

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Нафақаларнинг ўз вақтида берилишини ташкил этиш, кам таъминланган оилалар, ёш болали ва ишламайдиган оналар, қаровчисиз қолган қарияларни қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқпарварликнинг чинакам намунасидир.

Бу тадбирларнинг жойлардаги фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширилиши қишлоқ, маҳалла йиғинлари мутасаддилари зиммасига ҳар жиҳатдан катта масъулият юклайди. Афсуски, уларнинг айримлари камқувват оилаларга дармон бўлиб турган нафақа ва моддий ёрдамларга ҳам кўз олайтираётганлари, айрим ҳолатларда ортиқча харажатларга йўл қўйилаётгани ҳам сир эмас. Прокуратура органлари, текширишга алоқадор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган кузатувлар бундан далолат бериб турибди.

Муборак туманидаги Қарлиқ, Қоракум, Сариқ ва Муборак қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 13 та маҳаллада ўтказилган текширувда маълум бўлдики, ёрдамга муҳтож оилаларга, 2 ёшгача бола тарбияси учун ишламайдиган оналарга 163 миллион 44,8 сўм нафақа, кам таъминланган оилаларга 11 миллион 659,9 минг сўм моддий ёрдам, 18 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга 134 миллион 113,9 минг сўм нафақалар молиялаштирилган. Бу соҳада ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китоби бор. Улар ўз эгаларига белгиланган вақтда тўлиқ етиб бориши лозим, камомад ёки ортиқча тўловларга йўл қўйиш сира мумкин эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, туман прокуратураси ўтказган текширишларда йиғин ходимлари, маҳалла оқсоқолларининг айби билан 453,3 минг сўм давлат маблағининг ошиқча сарфланишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Маълумки, ҳар бир маҳалла йиғини ҳузурида нафақа ва моддий ёрдам сўраб ёзилган аризаларни кўриб чиқадиган махсус комиссия ишлаб турибди. Улар тақдим этилган барча ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, аниқ хулосалар беришлари лозим. Озгина бепарволик ёки адолатсизлик юз бердими, нуқсонларга йўл қўйилиши аниқ.

Хитой маҳалласи фуқаролар йиғини ҳузурида ҳам 20 кишидан иборат аризаларни кўриб чиқиш комиссияси мавжуд. Бироқ, комиссия аъзоларининг эътиборсизлиги туфайли фуқаролар М.Хушвақтова, М.Итолмасоваларнинг ҳар бирига боласи 2 ёшга тўлганига қарамасдан 13060 сўмдан, Фарида Жумаевага эса 18 ёшгача бўлган болалари учун 32650 сўм нафақа қонунсиз тўланган.

М.Болтаева Муборак шаҳридаги Дўстлик маҳалласида яшайди ва 3-ўрта мактабда ишлайди. У комиссияга ҳеч қаерда ишламаслигини тасдиқловчи сохта ҳужжат тақдим этиб нафақа тайинланишига эришган ҳамда ноқонуний йўллар билан давлатнинг 134940 сўм маблағини ўзлаштирган. Бундай ҳолатлар Сардоба, Кончилар маҳаллаларида ҳам аниқланди. Маҳалла йиғинлари раислари, айниқса, котибаларнинг бундан мутлақо хабарсизлигига сира ишониб бўлмайди. Негаки, улар ўз маҳаллалари аҳолисининг ҳол-аҳволи, уй шароитини беш қўлдек биладилар. Бу соҳада маҳаллаларга бириктирилган туман меҳнат бўлими йўриқчиларининг масъулиятсизлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Хўш, бундай хато ва камчиликлар биргина Муборак туманида мавжудми? Ишонч билан айта оламизки, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай, балки унданда жиддийроқ нуқсонлар учрайди.

Нафақа ва ёрдам пули тўлашдаги хато ва камчиликларга йўл қўйган кишиларнинг қонунлар асосида жазоланиши, ортиқча ва ноқонуний тўланган маблағлар эса давлат хазинасига қайтарилиши турган гап. Аммо йиғинлар ходимлари унинг оқибатлари ҳақида хатоларга йўл қўйишдан олдинроқ ўйласалар яхши эди. Давлатимиз ижтимоий сиёсатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган бу соҳада адолат меъзонларига амал қилиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Ёнгиндан сақланайлик!

ЭҲТИЁТКОРЛИК — ЭНГ ТЎҒРИ ЧОРА!

Барчамизга таниш ҳол. Айрим юртдошларимиз ўз хонадонларида электр токи ёрдамида ишловчи қурилма ва асбоблар ишдан чиққанда ёхуд элект тармоғини таъмирлашга эҳтиёж туғилганда уларни ўзлари мустақил тузатишга уринадилар.

Бир қарашда осонгина бажариладигандек туюлган бу юмушлар аслида ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли иш. Негаки, бу жараёнда "ҳаваскор уста"нинг эътиборидан четда қолган биргина мурват ҳам инсон ҳаётига, саломатлигига хавф солиши мумкин. Яқинда пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи М.Саидаҳмедов хонадонида телевизор симларининг қисқа туташувидан ёнғин содир бўлган. Оқибатда телевизор ҳамда хонадондаги барча юмшоқ мебеллар ўтда қолиб кетди.

Яна айрим ёнғинларнинг келиб чиқишига уй бекаларининг эътиборсизлик ва паришонхотирликлари ҳам сабаб бўлаяпти. Айтайлик, газ плитасига қиздириш учун қўйилган ёғ "бир зум"га кўчага ёхуд қўшниникига чиққан, "ойнаи жаҳон"даги сериалларга маҳлиё бўлиб барча нарсани унутган, кўзи уйқуга илинган аёлларимиз учун катта фожеалар келтириб чиқармоқда. Яқинда пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманида яшовчи Г.Содиқованинг уйида содир бўлган ёнғиннинг сабаби ҳам ана шундай бепарволик. Ёнғин оқибатида ошхонанинг том панжараси ёниб кулга айланган. Шу туман фуқароси Х.Азизов хонадонида юз берган ёнғин оқибатида уйнинг 65 кв. метр майдонида жиҳозлар ва том қисми ўтда қолиб кетди. Уй эгаси жиддий тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда юртдошларимиздан ўтинчимиз ҳам, талабимиз ҳам битта: бепарво бўлманг, азиз одамлар!

Ш.БОТИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бўлими 4-ҲЁБ алоҳида пост капитани.

Хоразм вилояти

Ойимжон ая Жумабоева Ҳазорасп туманидаги пиру бадавлат онахонлардан бири. Тўққиз фарзандни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказган онахон айни пайтда элликта невараси, йигирмата чевараси тарбияси билан машғул.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан Тупкова Галина Дмитриевна номига 10-01/1621 рақами билан 1993 йил 7 январда берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Миробод тумани ҳокимияти томонидан Нурматова Миновар Нишанбаевна номига 2000 йил 1 февралда 06-01/11492 рақами билан берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан Голубев Александр Михайлович номига 1992 йил 9 декабрда берилган 08-01/1546 рақами билан берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан Алимов Асатилла Сунатиллаевич номига новвойхона учун 2001 йил 5 октябрда 6504333075 рақами билан берилган ер кадастри йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент Ахборот Технологиялари университети томонидан 2004 йил 16 октябрда Бегматов Улуғбек Қобулжонович номига 251-01 рақами билан берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Юнусобод тумани 86-ўрта мактаб томонидан Колмакова Нонна Юрьевна номига 1995 йилда А 530387 рақами билан берилган тўлиқсиз маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Пскент тумани ХТБ га қарашли 32-мактаб томонидан Зоиров Зухриддин Шахобиддинович номига 2005 йил 23 июнда 24 рақамида берилган 1589418 сонли 9 синфни битказганлик ҳақида шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан 1985 йил 4 июлда НВ-912319 рақами билан Тураев Батырджан Талибович номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Илҳом мавжи

Умида АБДУАЗИМОВА

СЕНКИ...

Сенки мени тушунмадингми,
Демак, мангу сирдошим йўқдир.
Бу оламда бир умр мени,
Танҳо қилиб яратмиш тақдир.
Сенки мени тушунмадингми,
Зерикишда ўтар кунларим.
Қувончимни бўлишмас ҳеч ким,
Ғам-қайғуда ўртар кунларим.
Сенки мени тушунмадингми,
Алам билан чўғланар кўзим.
Нега мени тушунмайсан-а,
Тушунмайман ўзимга-ўзим.
Сенки мени тушунмадингми,
Демак, мени ҳеч ким тушунмас!
Икки қутб бўйлаб саросар,
Кўргуликлар асло туш эмас!
Сенки мени тушунмадингми,
Бошқаларга тилайман тўзим.
Нега мени тушунмайсан-а,
Тушунмайман ўзимга-ўзим!

БОР...

Ишқ йўлининг азияти, гул тикони бор,
Аллоҳнинг инъом этган ишқ имкони бор.
Кўнглинг мойил бўлса-да, роз айтишга шошма,
Ҳар сўзни ўйлаб айтарнинг ор, имони бор.
Ақл кунда, ҳусн тўйда керак дейдилар,
Ишқ уйининг вайронасин кўп ёмони бор.
Кўзинг боғлаб, дилинг доғлаб кетгувчилар кўп.
Ақл умри боқий, ҳусн — гул, хазони бор.
Талай ошиқ йўлиқяпти йўлида лекин,
Умиданинг "хўп"ига зўр имтиҳони бор.

Тарих тилсими

ТОШКЕНТ БЕДАРВОЗА, ДАРВОЗАЛАРИ ЭСА БЕКАЛИТ ЭМАС ЭДИ...

ёки пойтахтнинг тарихий дарвозалари ҳақида

Қадимдан халқимизда бир нақл бор — шаҳар бедарвоза эмас. Ҳа, худди шундай, юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг ҳар бирида маълум миқдорда ўз дарвозаси бўлган. Тошкентда ҳам дарвоза — шаҳарга кириш ва чиқиш учун ҳамда душман ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида шаҳар қалъа деворининг муайян жойларида қурилган.

Тошкентда дарвозалар X асрда, шаҳар ҳудудининг кенгайиши билан карвон йўллари ўтаётган жойларда қурила бошлаган. Шаҳар ҳудудининг кенгайиши билан деворлари ҳам сурилиб, дарвозалар сони ҳам ортиб борган. Шаҳар асосан, X, XV, XVI асрларда ўз ҳудудини кенгайтира борган.

Тошкентлик Нурмуҳаммад Мулла Алимовнинг 1735 йилда берган маълумотига кўра, Тошкентнинг марказида мустаҳкам тошдевор билан ўралган қўрғон бўлган ва ушбу қўрғонга олтита дарвоза орқали кирилган. 1739 йили Тошкентда бўлган биринчи рус савдо карвонининг бошлиғи К.Миллернинг ёзишича, Тошкент дарвозалари 8 та, 1800 йилда Тошкент ҳокимининг таклифи билан келган рус тоғ инженери М.Поспелов шаҳардаги дарвозалар сонини 6 та деб кўрсатса, 1813-1814 йилларда Тошкентда бўлган рус таржимони Филипп Назаров уларнинг 12 та деб ёзиб қолдирган. Буларнинг ичидан фақат К.Миллер Тошкент дарвозаларининг номини ва улар шаҳарнинг қайси томонида жойлашганлигини бирма-бир кўрсатиб ўтган. Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX аср бошларида Лашкар беклербеги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг атрофи бўйлаб Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас каби 12 та дарвоза қурилган.

Тошкентлик, XIX аср тарихчиси Муҳаммад Солиҳ хўжа домла Раҳим Қорахўжа ўғлининг ёзишича, шаҳар деворининг 12 дарвозасидан ташқари девор бўйлаб ҳар минг қадамда биттадан "бору" (амбразура), ҳар тўрт минг қадамда эса биттадан бурж (минора)лар бино қилинган.

Шаҳарнинг шарқий дарвозаларидан то ғарбий дарвозагача 8500 қадамни, шимолдан жанубгача эса 8100 қадамни ташкил этган.

Шаҳар дарвозалари сони ҳар доим ҳам 12 та бўлавермаган. Вақти-вақти билан у ёки бу дарвоза зарур деб топилмаганда шаҳар ҳокимининг фармойиши билан вақтинча беркитилиб ташланган.

Шу сабабдан бўлса керак, шаҳар дарвозаларининг сони турли даврларда ёзилган манбаларда турлича кўрсатилган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг "Тарихи Жадидайи Тошканд" (Тошкентнинг янги тарихи) асарида Тошкентнинг 12 та дарвозаси борлиги ва бу дарвозалар XIV аср охири XV аср бошларида ҳам мавжудлиги айтилган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталарида ҳам Тошкентнинг 12 дарвозаси орқали ташқаридан шаҳарга кирилган ва чиқилган.

Ўша вақтда ҳар бир дарвоза мудофааси шу дарвозага яқин маҳаллада яшовчи аҳоли зиммасига юклатилган. Маҳалла ўз навбатида унда яшовчи қабила ёки уруғ номи билан аталган. Масалан, Қўймас дарвозасини Қўймас уруғи, Қўқон дарвозасини Қиёт уруғига мансуб кишилар, Қорасарой дарвозасини Қорасарой уруғига мансуб кишилар мудофаа қилишлари зарур ҳисобланган. Шаҳар дарвозалари ҳар куни қоронғу тушиши билан ёпилган, эрталаб тонг саҳарда очилган. Ёпиқ дарвозани ҳеч ким очишга ҳаққи бўлмаган, фақатгина фавқулодда ҳодиса бўлиб қолса ўшанда ҳокимнинг махсус фармойиши билан очишга рухсат берилган. Дарвозалар устида махсус қоровулхоналар, йўлакларда эса қатор ҳужралар, емакхона ва ётоқхоналар қурилган. Дарвозалар сифатли ва қаттиқ арча ёғочларидан ясалиб, устига металл қопланиб, турли нақшлар билан безатилган. Дарвозаларнинг юқори қисми панжарали бўлиб, бу ердан атроф кузатиб турилган.



Ҳар бир дарвозанинг ўз номи ва ясалган йили ёзилган калити бор эди. Ўша калитларнинг тилладан ясалган кичик нусхалари;
Тошкентдаги тупроққалъанинг ҳозиргача сақланиб қолган дарвозаси.

Шаҳар дарвозаларидан от ва туялар, юк ортилган аравалар, бутун бошли карвонлар кириб келган ва юк ортиб чиққан. Тошкентнинг ҳар бир дарвозаси ёнида шаҳарга кирувчиларни қайд қилиб турувчи закотчи бўлиб, закот олиб турган. Шаҳар дарвозалари олдида йирик амалдорларни, меҳмонларни кутиб олиш маросимлари, тантаналари ҳам ўтказилиб турилган. Тошкент дарвозаларидан ташқари яна бир яширин йўл бўлиб, у Тешиккопқа дейияган. Тошкентнинг ўтмиш тарихи билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаётган ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ёзишича, Тешиккопқа ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, дарвоза ўрнига девор тусидаги катта намат ёпиб қўйилган. Ёв босганда шу ердан отлиқ аскарлар қўққисдан чиқиб бориб, душманга кутилмаганда зарба берган.

Россия подшо қўшинлари томонидан (1865 йил июнь) янги шаҳарни қуриш баҳонаси билан унинг қадимий мудофаа деворлари ва дарвозалари "кераксиз" деб бузиб ташланган. Бузилган девор тупроғидан Тошкентнинг янги шаҳар қисмини қуришда лой ва ғишт сифатида фойдаланилган. Тошкентнинг ўтмиш тарихини, жумладан, девор ва дарвозаларини ўрганган ўлкашунос А.И.Добросмислов "эски Тошкентнинг девор ва дарвозаларининг кўп қисми қулаб бўлган, қолганлари ҳам бузилиб тамом бўлмоқда", деб ёзган эди XX аср бошида ўзининг "Тошкент ўтмишда ва ҳозирда" номли тарихий китобида (1912 й. 74 бет).

Шундай қилиб, XIX асрнинг 90 йилларига келиб, шаҳар ҳудуди кенгайтирилиш билан унинг узоқ аждодларимиздан мерос бўлган, асрдан-асрга ўтиб келаётган қадимий мудофаа деворлари ва дарвозалари "кераксиз" деб вайрон қилинди, дарвозаларнинг номигина сақланиб қолди, холос.

ДАРВОЗАЛАР БЕКАЛИТ ЭМАСДИ...

Ҳар бир дарвозанинг ўз номи ва ясалган йили ёзилган калити, бир жуфт темир ҳалқаси бўлган. 1865 йилнинг июнида Россия ҳукуматига 12 та рамзий олтин калитлар тошкентлик заргар Абураҳмон томонидан шошилинч ясалиб, подшо маъмурларига топширилган ва бу олтин калитлар Петербургга олиб кетилиб, узоқ вақт ҳарбий музейда сақланган. Бу олтин калитлар ҳақиқий темир калитлардан анча кичик бўлиб, унинг узунлиги 16 см, оғирлиги эса 165-167 граммни ташкил этган. 1933 йилнинг 14 июнида бу калитлар Тошкент тарихини ёритувчи қимматли ёдгорлик сифатида ўз эгаси — Ўзбекистонга қайтариб берилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Юртбошимиз И.Каримов 1996 йили буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналарида 18 октябрни Самарқанд шаҳри куни, дея эълон қилган эди. Ҳар йили ушбу сана ҳамиша қадимий ва навқирон шаҳарда байрам сифатида нишонланади.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Сиз ўқийдиган китоб

КАТТА ҲОВЛИДАН УЧГАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

улар бу кун халқимиз эъзозидаги етук санъаткорлар сулоласига айланган

Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиевни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиевни санъатсевар халқимиз, театр ва кино санъати ихлосмандлари яхши танишади. Таниш ҳам гапми, севиб-ардоқлашади. Лутфулла ва Ғайрат Саъдуллаевлар-чи. Улар ҳам халқимизнинг севимли актёрларидан.

Аслида уларнинг тўртови ҳам қонқардош, яъни туғишган ака-укаларнинг зуррёдлари. Кўп йиллардан буён журналистика соҳасида беназир меҳнат қилиб келаётган Яйра Саъдуллаева ҳам ушбу сулоланинг бир вакиласи. Қизиқ, Яйра опани кўпдан танийдиганларнинг аксарияти бундан бехабар эканлар. Яйра Саъдуллаеванинг яқинда нашрдан чиққан "Катта ҳовли" номли китобини ўқигачгина бу қариндошлик ришталаридан воқиф бўлганлар кўп бўлса керак: "Саъдулла қори бувам 5 ўғил ва бир қизнинг отаси бўлганлар. Бешала ўғилнинг фамилияси замонанинг зайли билан тўрт хил ёзилган: Қориев Ҳикматулла, Саъдуллаев Убайдулла, Саъдиев Ҳабибулла, Саъдуллақориев Ҳамидулла, Саъдиев Фатҳулла..." Ўғилларнинг иккиси — Ҳикматулла ва Ҳабибулла Манон Уйғур, Аброр Ҳидоятовдек театр дарғаларига замондош ва елкадош бўлган, яъни ўзбек театри тараққиётига тамал тошини қўйишда фаол бўлган санъаткорлардан. "...Ўша бўронли йилларда, ўзбек театр санъатининг илк қалдирғочлари қанот қоққанда Ҳикматулла отамлар ҳам улар билан ёнма-ён эдилар...", деб ёзади муаллиф. Ҳабиб Саъдий ўша даврда театримиз саҳнасида порлаган ёрқин юлдузлардан бўлган. Хайрулла ва Ёдгор Саъдиевлар ана шу санъаткорнинг фарзандлари бўлиб, бу сермашаққат касб уларга отакасб. Ғайрат, Лутфулла Саъдуллаевлар ҳамда Яйра опа Убайдулла Саъдуллаевнинг фарзандлари экан. Хуллас, муаллиф таъбири билан айтганда, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Себзор даҳасида жойлашган Саъдулла қорининг "Катта ҳовли"сидан театр санъатининг илк қалдирғочлари парвоз қилишган, айни кунда санъат осмонида қанот қоқаётган оиланинг иккинчи авлод вакиллари ҳам айнан шу ҳовлидан "учирма" бўлишган...

"Катта ҳовли" нафақат бир санъаткор оила сулоласи тарихини, балки театримиз тарихини, китоб қаҳрамонлари яшаган давр нафаси, замона зайлини акс эттирувчи кўзгу мисол яратилибди. Уни ўқиганда ўша давр одамлари турмуши, атак-чечак қадам ташлаётган гўдак сингари энди одимлай бошлаган театр санъатига жонфидо бўлган сиймолар ҳаёти ва фаолияти кишининг кўз олдида яққол гавдаланади. Шу боисдан ушбу китоб бугунги кун ёшларига, айниқса, келажакда санъаткор бўлиб етишишни кўзлаётган ёш ижодкорларга катта сабоқ берувчи манбаа бўлиши аниқ.

М.ҚОСИМОВА

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. жойи 148 (нашр кўрсаткичи)
Mahalla (нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертиздан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ESENYA
Bau- und Handelsinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
STAR PARK CATALOGUE
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳамкорлар билан муносабатингиз турли муаммолар ечимини таъминлайди. Шундай экан, муносабатларни яхшиланг.

СИГИР(22.04-20.05)
Иш юзасидан ўзингизга талабчанлигингиз ўз самарасини беради. Ҳатто бу борада сизга хасад кўзи билан боқишлари мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда сизга керак бўлган кишилар билан муносабатларингиз яхшиланишида янги танишувлар кўмаги сезилади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда оила аъзоларингизга алоҳида эътибор қаратишни унутманг. Оилангиз осудалиги ишларингиз самарадорлигидир.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу кунларда янги танишувлар ва турли учрашувлар режаларингизни амалга оширишда салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Молиявий жиҳатдан омадли бўлган айни кунларда сизни яхши харидлар кутмоқда. Энг асосийси, сармоя қилиб қўйишни унутманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин кунларда қатъий қарор қабул қилишингизга тўғри келади. Ақл билан бир қаторда кўнглингизга ҳам қулоқ тутишингиз керак.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунларда сизни сирли бўлган нарсалар, фитна ва ғийбатлар қамраб олади. Уларда қатнашишни асло ҳаёлингизга келтирманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Эскирган режаларни яна бир бора кўриб чиқишингиз самарали бўлиши мумкин. Аммо орзу билан ҳақиқатни ажратишингиз керак.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ишда кўтарилишингиз ёки ишларингиз омадли ҳал бўлиши кутилмоқда. Айни кунларда кайфиятингизни ҳеч ким тушира олмайди.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Атрофингиздаги кишиларга хасад билан қарамаслигингиз керак. Шундагина улар билан муносабатларингизни яхшиланади.

БАЛИК (19.02-20.03)
Таваккал ҳам яхши натижаларга олиб келиши мумкин. аммо айни кунлардаги таваккалингиз сиз учун омадсиз келиши мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

Утеренный гос. ордер 10-01/19696 от 27.04. 1993 года о праве собственности на имя Никулина Владимир Викторовича на квартиру считать недействительным.

Утеренный гос.ордер 10-01/6365 от 09.02. 1993 года о праве собственности на имя Мадгазиной Маргариты Сунгатовны на квартиру считать недействительным.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7219 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-922 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5